

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БОШҚАРУВ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Сафаров Отабек Амриллоевич
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
давлат бошқаруви академияси докторанти, иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
E-mail: safarovotabek@gmail.com

Аннотация. Мақолада бошқарув назариялари атрофлича таҳлил қилиниб, менежмент назарияларининг таълим менежментига таъсири ва унинг ривожланиб бориш тенденциялари батафсил ўрганилган. Бу борадаги хорижий тажрибалар таҳлил қилиниб, Ўзбекистон таълим тизимига қўллаш мумкин бўлган ёналишлари ўрганилган ва тегишли хулосага келинган.

Калит сўзлар. Бошқарув, менежмент, таълим бошқаруви, менежмент назарияси, таълим ва бошқарув самардорлиги, модернизация, мактаб, университет, иерархия, таълим модели.

Аннотация. В статье подробно анализируются теории управления и подробно изучается влияние теорий управления на управление образованием и тенденции его развития. Проанализирован зарубежный опыт в этой области, изучены возможные направления применения в системе образования Узбекистана и сделан соответствующий вывод.

Ключевые слова. Менеджмент, управление, управление образованием, теория управления, образовательная и управленческая эффективность, модернизация, школа, университет, иерархия, образовательная модель.

Abstract. In the article, management theories are analyzed in detail and the impact of management theories on educational management and its development trends have been studied in detail. Foreign experience in this area has been analyzed, the possible directions of application to the educational system of Uzbekistan have been studied and the relevant conclusion has been reached.

Keywords. Management, educational administration, management theory, educational and managerial effectiveness, modernization, school, university, hierarchy, educational model.


Кириш

Иқтисодиётнинг ривожланиши ва техник-технологик жиҳатдан янгиланиши, ишчи кучи оқими ҳамда глобализация жараёнларининг юқори даражага етиши таълим тизими олдида рақобатбардош, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, малака ва кўникмаларга эга бўлган кадрларни етказиб бериш муаммосини қўйди. Натижада таълим тизимида самардорликни ошириш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш масалалари XX асрга келиб долзарб масалага айланди.

Таълим тизими – асосий ижтимоий институтлардан бири, шахс шаклланишининг муҳим соҳаси, таълим муассасалари ва уларни бошқарув органларининг тарихий шаклланган тизими бўлиб, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, мустақил ҳаётга ва касбий фаолиятга тайёрлаш ҳамда уларнинг таълимга бўлган индивидуал эҳтиёжларини қондириш мақсадларига хизмат қилади.

Таълим тизимини модернизация қилишнинг устувор йўналишларидан бири ва муҳим вазифа бўлиб – мазкур тизимни бошқариш моделини модернизация қилиш ҳисобланади. Замонавий шароитларда таълимни бошқариш – бу биринчи навбатда таълимни ривожланиш жараёнини бошқариш ҳисобланади. Таълим статистикаси ва таълим сифат кўрсаткичларининг ягона тизимини ҳамда таълимни мониторинг қилиш тизимини яратиш зарур бўлади.

Ҳозирги кунда ёшлар вазиятни танқидий таҳлил қилиши ва мавжуд зарур бўлган ахборотларни таҳлил қилиш асосида оқилона қарорларни қабул қилиши лозим. Танқидий фикрлаш қобилияти маълум бир ўқув муҳитида шаклланиши лозим. Танқидий фикрлаш қизиқувчанликни намоён этиш ва тадқиқот усулларида фойдаланишни англатади. Танқидий фикрлаш маълум бир масала бўйича нуқтаи назарни ишлаб чиқиш ва мантиқий далиллар билан ушбу нуқтаи назарни ҳимоя қилишни кўзда тутди. Танқидий фикрлашга эга бўлар экан, инсон у ёки бу ғоялар билан танишади ва уларни амалга ошириш бўйича мумкин бўлган оқибатларни кўриб чиқади. Танқидий фикрлаш асосида анъанавий билиш жараёни индивидуалликка эга бўлади ва англаб етилган, узлуксиз ва маҳсулдор бўлади.



1-расм. Таълим олувчиларда танқидий фикрлашни ривожлантириш шарт-шароитлар

Бугунги кунда хорижий давлатлар таълим тизимида бошқарув масалалари таълим муаммоларини тадқиқ қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида шаклланган ва ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб боришнинг илк босқичи XX асрнинг бошларига тўғри келди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Таълим сифатини бошқариш, таълим тизими бошқарув фаолиятини ташкил этиш ҳамда турли бўғин раҳбарларининг касбий ривожланиши, уларнинг малакасини ошириш йўналишлари, муаммолари бўйича хорижлик олимлардан классик менежмент ва илмий бошқарув назарияси асосчиларидан бири Ф.Тейлорнинг[1] 1911 йилда эълон қилган “*The Principles of Scientific Management*” асари илмий бошқарувнинг асосий тамойилларини белгилаб бериш билан бирга, таълим менежментини яралишига импульс бўлиб хизмат қилди. Мазкур асарда

берилган илмий бошқарув тамойиллари АҚШнинг кўплаб мактаб ва университетлари бошқарувида қўлланила бошланди.

Шунингдек, А.Файол, “Маъмурий бошқарув” мактаби асосчиси, 1917 йилда эълон қилган “Administration Industrielle et Générale”[2] асари билан таълим бошқаруви муаммолари ечимига ўзининг жиддий таъсирини ўтказди. Кейинги йилларда таълимни бошқаришда илмий бошқарув тамойилларидан фойдаланиш асосан АҚШ, Канада, Англия, Швеция, Франция, Германия каби давлатларда кенг йўлга қўйилди. Лекин, уларнинг ичида Швеция таълим тизими бошқарувида давлатнинг аралашуви даражаси ўта юқорилиги билан ажралиб турди.

Г.Купманнинг[3] 1943 йилдаги “Democracy in school Administration” асарида бошқарувда демократик тамойилларга асосланиш зарурлиги ва айниқса, таълим муассасаларини демократик бошқариш назарияси асосида олиб бориш зарурлиги таъкидланади ҳамда ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарига хос бўлган кучли назорат, қаттиқ тартиб-интизом, ўта марказлашганлик, доимий инструкциялаш каби бошқарув усулларига қарама-қарши қўйилади. Бу борада яна бир қатор олимлар ўз қарашларини билдирганлар.

Аммо жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш, миллий бойлик таркибида инсон капитали улушининг ошиб бориши, иқтисодийнинг жадал ўсиш суръатларига мос равишда ёшларни тез ва барқарор мослаштириш жараёнлари кечаётган ҳозирги шароитда замонавий менежмент ёндашувлари асосида таълими тизимини бошқаришни такомиллаштириш масалалари кенг таҳлил қилинмаган ва бу эса мазкур тадқиқот иши йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот методологияси

Мазкур ишда таълим тизимида мутахассислар тайёрлашнинг эволюцион даражалари талқин қилинган ва бу борада хорижий олимларнинг фикрлари қарашлари кенг ўгранилган, мутахассислар тайёрлаш механизмининг такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ўқитишда бошқарувнинг долзарб муаммолари, бошқарувда инновация ва ахборот технологиялардан фойдаланишнинг сифат ва самарадорлигини ўрганилиб, ўқитишни ноаънавий усуллар орқали ташкил этиш масалалари ўрганилди. Тадқиқот давомида тизимли ёндашув ва аналитик таҳлил, манбаларнинг қиёсий таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Таълим бошқаруви масалалари, ундаги муаммолар ечими ва уни такомиллаштириш механизм ва моделлари турли фан соҳалари негизида олиб борилганлигини кўриш мумкин. Ҳозирда таълим бошқаруви муаммолари иқтисодиёт, сиёсатшунослик, социология, кибернетика, педагогик назария, психология каби фан соҳаларининг тадқиқот объектига айланган.

Ушбу соҳадаги тадқиқотлар асосан учта йўналишда олиб борилади:

1. Яхлит таълим тизимини бошқариш масалалари;
2. Таълим тизимининг бўғинларида, яъни ҳудудий бошқарув органларида бошқарув масалалари;
3. Таълим муассасасини бошқариш масалалари.

Уларнинг салмоқли улуши учинчи йўналишга тегишли бўлиб, таълим муассасалари (мактаблар, коллежлар, университетлар) ижтимоий институт сифатида қаралиб, ижтимоий менежмент умумий назариясининг ютуқлари асосида тадқиқ қилинади. Ҳарбий Европа ва Шимолий Америка давлатларида ижтимоий менежментнинг кенг ривожланиши таълим соҳасида бошқарув муаммолари ечимини

излашда ўз таъсирини ўтказди ҳамда “Таълим менежменти” йўналишини алоҳида тадқиқот соҳасига айланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Айтиб ўтиш жоизки, таълим бошқарувида айнан давлат аралашувининг даражаси (юқорилиги ёки пастлиги) бошқарув моделларининг таснифланишига туртки бўлди. Илмий ҳамжамиятда ҳозирги кунда энг кўп иқтибос келтирилаётган илмий ғоялардан бири – бу ван Вутнинг[4] олий таълим муассасаларини бошқаришнинг бошқарув моделини таснифлашда Бартон Кларк[5] таклиф қилган уч ёқли моделдан бошқарув моделини иккита турга тушириши бўлди. Биринчи модел – бу давлатнинг назоратчи роли юқорилиги (*state control model*) ва иккинчи бошқарув модели давлатнинг кузатувчилик ролининг устунлиги (*state supervising model*) билан белгиланади.

Албатта, ван Вутнинг[4] мазкур таснифи давлат бошқарувидаги (классик менежментнинг “маъмурий бошқарув” мактаби вакилларининг ғоялари асосида) иккита категориянинг таълимни бошқаришга қўлланилишига сабаб бўлган: рационал режалаштириш ва бошқарув модели (*rational planning and control*) ҳамда ўз-ўзини бошқариш модели (*self-regulation*).

Юқорида айтилгани каби, А.Файол асос солган мактаб вакиллари томонидан бошқарувнинг универсал тамойиллари ишлаб чиқилган бўлиб, бунда биринчи категория бошқарув усулида мақсад ва вазифаларни белгилаш, ресурслар таъминоти ва тақсимоти, назорат, ишлаб чиқаришни режалаштириш, молия ва маркетинг масалалари бошқарув иерархиясининг энг юқори бўғини томонидан амалга оширилади. Иккинчи категорияда эса ташкилот фаолиятига доир юқорида санаб ўтилган бошқарув функциялари ташкилот бошқарув иерархиясининг энг юқори бўғини томонидан эмас, балки ташкилот ходимлари томонидан мустақил равишда амалга оширилади. Кўплаб ғарб давлатларининг таълимни бошқарув моделида айнан мана шу иккита категориянинг ҳар биридан фойдаланиб келинишини кузатиш мумкин.



2-расм. А. Файолнинг бошқарувнинг универсал тамойиллари

Лекин, охирги йилларда таълим бошқарувида инсоний муносабатларга асосланган тамойиллар орқали бошқарувни амалга ошириш таълимни бошқаришда

энг самарали тамойилларнинг бири сифатида қаралмоқда. Мазкур бошқарув назарияси мактаби вакиллари асосан психология фани мутахассислари бўлиб, у бошқарувда юқори самарадорликка эришиш сифатида қуйидаги тамойилларга асосланади: бошқарувчи ўз қўл остидаги ходимларни руҳан қўллаб-қувватлаш, уларга бўлган тўла ишончни намойиш этиш, ходимларнинг ўз-ўзини йўналтириш ва назорат қилиш, уларни меҳнат фаолияти натижаларига кўра рағбатлантириб бориш, ходимларнинг ижодий ва интеллектуал имкониятларидан кенг фойдаланиш.

Мазкур мактаб вакиллари Мэри Паркер Фоллет, Элтон Мэйо, Абрахам Маслоу, ва кейинчалик К. Аджирис, Р. Лайкерт, Д. МакГрегор, Ф. Герцбер, Ч. Бернارد ва бошқалар ижтимоий психология ютуқларидан бошқарувда фойдаланиш масаласини кўтарадилар ва уларнинг фикрича самарали меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг асосий элементи инсон фактори билан бевосита боғлиқлигидадир.

Э.Мэйо томонидан олиб борилган тадқиқотлар бошқарув назариясида янги йўналиш очилишига олиб келди. 1927-1932 йиллар мобайнида Чикаго шаҳри яқинидаги Хоторн шаҳарчасида жойлашган “Вестерн Электрик” компаниясида олиб борган экспериментларида саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи турли омиллар (меҳнатга ҳақ тўлаш, иш ўрнида яратилган шарт-шароит, яъни эргономика, бошқарув усули, шахслараро муносабатлар ичида инсоний муносабатлар алоҳида аҳамиятга эга эканлигини исботлади.

Хоторн экспериментлари давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасида “Хоторн эффекти” ихтиро қилинди ва унинг асосий моҳияти шундан иборатки, “ишлаб чиқариш унумдорлигига жисмоний омилларга нисбатан ижтимоий-психологик омиллар кўпроқ таъсир қилади”[6]. Яъни, яхши ишлаб чиқилган регламент, меҳнат учун юқори ҳақ тўлаш, иш ўрнидаги энг қулай шарт-шароитлар ҳар доим ҳам ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсишига сабаб бўла олмаслиги ва аксинча, юқори самарадорликка эришишда, ходимларнинг ишлаб чиқаришини режалаштиришда ресурсларнинг тақсимотига жалб этилиши, уларнинг шахсий сифат ва қобилиятлари бошқарув вакиллари томонидан инобатга олиниши ҳал қилувчи омил сифатида кўрилади.

XX асрнинг 30-йилларига келиб умумий бошқарув назариясига жиддий таъсир кўрсатган ва ушбу соҳада янги йўналиш ва туб бурилиш ясаган инсоний муносабат тамойилларига асосланган бошқарув назарияси ривожлана бошлади. Мазкур ёндашув вакили ва асосчиларидан бири Э. Мэйо ва унинг ғоядошлари Ж.Хоманс, М.Фоллет, А.Маслоу, Ф.Ротлисбергерларнинг “Хоторн тажрибаси” натижасига кўра меҳнат унумдорлигига жисмоний омиллардан кўра ижтимоий-психологик омиллар кўпроқ таъсир қилиши, ташкилот ходимларининг ойлик маоши ва уларга яратилган қулай меҳнат шароитларидан кўра уларнинг ташкилот истиқболи ва ривожланишига бевосита жалб этилиши, ташкилот ривожланишида аҳамиятли эканлиги ҳис этиши аҳамиятлироқ экани исботланди.

Ташкилот самарадорлигини оширишда айнан мазкур қарашлар, яъни ташкилот ходимлари қарор қабул қилиш жараёнига кенгроқ жалб қилиниши ва ушбу жараёнда уларнинг фаол иштирок этиш ғояси, Г.Купмanning[3] 1943 йилдаги “Democracy in school Administration” асарида бошқарувда демократик тамойилларга асосланиш зарурлиги ва айниқса, таълим муассасаларини демократик бошқариш назарияси асосида олиб бориш зарурлиги таъкидланади ҳамда ишлаб чиқарувчи саноат

корхоналарига хос бўлган кучли назорат, қаттиқ тартиб-интизом, ўта марказлашганлик, доимий инструкциялаш каби бошқарув усулларига қарама-қарши қўйилади.

Мазкур ёндашувларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, XX асрнинг 50-йиллар бўсағасида бошқарувда инсон омили ғоясининг устуворлигидан таълимни бошқаришда фойдаланиш кенг тарқалди. Ушбу ғоя тарафдорлари Г.Купман ва У.Йох таълимни бошқариш демократик ёндашувларга асосланиши, Э.Мейонинг “Хоторн тажрибаси” натижаларига асосланган ғоя, яъни ходимлар бошқарувида ва қарор қабул қилишда бевосита иштирок этишлари, зарурлиги таъкидланади.

Э. Мэйо томонидан ўтказилган Хоторн тажрибаси натижалари, аниқланган бошқарув тамойиллари ва самарадорликнинг ўсишига таъсир қилувчи омилларни қўллаб Яуч В.А.[7] 1949 йилда “Improving Human Relations in School Administration” асарида ташкилот ходимларининг ҳар бири унга тегишли масаланинг келиб чиқишидан тортиб унинг ечимини топиш жараёнида фаол иштирок этишини таъкидлайди. Айтиш мумкинки, ушбу даврга келиб “инсоний муносабатлар” тамойилларига асосланган бошқарув назариясидан демократик бошқарув назариясига туб бурилиш бўлди.

Таълимни бошқариш назарияси ривожланишининг кейинги босқичи таълим тизими ва муассасаларига ижтимоий институт нуқтаи назаридан қаралиши, уларни бошқаришда саноат ва ишлаб чиқариш ташкилотларини бошқариш усуллари қўлланилиши билан боғлиқдир. Бу борада тадқиқотчи олимларнинг умумий фикри мавжуд эмас, бироқ бир гуруҳ олимлар барча турдаги муассасаларга бошқарувнинг умумий назарий воситаларини қўллаш мумкин ва барча турдаги ташкилотларни бошқариш бир хил қонуниятлар асосида кечади деган фикрда бўлса, бу ғояга қарама-қарши ғоя тарафдорлари таълим тизими ва муассасалар ўзига хос хусусиятларга эга институт, уларни бошқаришда алоҳида ғоя ва ёндашувлар зарур деб ҳисоблайдилар. Ушбу даврда эълон қилинган асарларда асосан умумий бошқарув назарий нуқтаи назаридан таълимни бошқариш ғояси, яъни классик менежмент ғоялари таълимни бошқаришга йўналтирилган ҳолларни кузатиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, менежмент назариясининг XX асрнинг 50-70 йиллардаги ривожланиш даврига келиб ижтимоий фанларнинг унга бўлган таъсир доираси кенгайиб борди ва психология, социология, сиёсатшунослик, фалсафа, педагогик назария фанларининг таълим бошқаруви тамойиллари ва назариясини ишлаб чиқишда аҳамиятли эканлиги қабул қилина бошланди. Ижтимоий фанлар ютуқлари таълимни илмий асосда бошқариш назариясида қўлланилиши энг аввало АҚШда[8] кенг тарқалган бўлса, кейинчалик эса мазкур ёндашув Англия[9], Австралия ва Янги Зеландияда кенг тарқала бошланди.

XX аср 70-йилларининг бошларида таълим муассасалари, таълим тизими ва уларни бошқаришда классик менежмент ёндашувларидан фойдаланиш ғояси илгари сурила бошланди ва бу ўзини бирмунча оқлаганлигини кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби шундаки, ушбу даврга келиб таълим оммавийлашиб, ўзига хос хизмат кўрсатувчи, маълум маънода айтиш мумкинки, ишлаб чиқарувчи соҳага айланиб улгурганлиги унинг бошқарувида классик менежмент ёндашувларидан

фойдаланишга олиб келди. Мисол сифатида P.Magrave[10], C.Handy, R.Aytke[11] кабиларни келтириш мумкин.

Шундай бўлсада, мазкур йўналишда мутахассисларнинг турли хил қарашлари мавжуд бўлиб, бунда яқдил фикр мавжуд эмас. Мазкур ғоя тарафдорлари таълим муассасаларини саноат, ишлаб чиқариш ва бошқа турдаги ташкилотларга тенглаштириб, уни бошқаришда барча турдаги ташкилотларни бошқаришдаги усуллардан фойдаланиш мумкин деб ҳисобласалар, бошқа мутахассислар таълим муассасалари ўзига хос ҳусусиятларга эга эканлиги ва ишлаб чиқариш ҳамда саноат бошқарувида самарали натижага эришилган бошқарув усулларини ижтимоий институтлар бошқарувида қўллаш ҳозирга қадар шубҳа остига олиб келинмоқда.

70-80-йилларга келиб замонавий бошқарув назарияси бир мунча шаклланиб улгурган эди. Бунда, бошқарувга нисбатан умумий қарашлар қуйидагича шаклланди: ташкилот очиқ тизим сифатида, унга таъсир этувчи ташқи ва ички омилларнинг яхлитлиги; маҳсулот ва хизматларнинг сонига эмас, унинг сифатига ва истъемолчилар эҳтиёжидан келиб чиқишга қаратилиши; бошқарувда вазиятли бошқарув тамойилининг устуворлиги, қарорлар қабул қилинишида тезкорлик билан иш тутиш; асоий капитал ва фойда манбаи – зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлган инсонлар ва уларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқарилишига қаратилган муҳитнинг мавжудлиги; инновацияларни жорий этиш ва бошқариш, бошқарув маданияти ва услуги, ходимларнинг ишга бўлган қизиқишини ошириш.

Ушбу даврда таълим тизимлари бошқарувини амалга оширишда тизимли ёндашувга асосланган бошқарув ғоясини қўллаш бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Бу даврга келиб таълим тизимларини бошқаришга турли ташкилий тизимларни бошқаришга қарагандай қараш ғояси ривожланиб борди ҳамда кибернетика ва математик бошқарув назарияси жадал ривожланишига ўз таъсирини ўтказди.

Таълим тизимини бошқариш ушбу тизимни ташкил этувчилари ўртасидаги мураккаб ўзаъро боғлиқлик, ўзаъро фаолият ва муносабатларини бошқариш асосига қурилади. Бошқарув назарияси ва амалиётининг ривожланиб бориши ва бунда тизимли ёндашув ғоясини қўллаш ва уни таълим тизимлари бошқарув муаммоларига қўллашга ҳам уринишлар бошланган эди. Натижада тизимли ёндашув билан боғлиқ турли бошқарув моделлари таклиф қилинди. М.Жонсон, Д.Хааг, М.Петри ва бошқа тадқиқотчилар таълим тизимларини ва таълим муассасалар бошқарувида реал муаммоларни ҳал этишда, яъни молия, кадрлар ҳамда моддий ресурсларни режалаштириш ва назорат қилишда аниқ тавсиларни таклиф этдилар. П. Монтелло ва К. Вимберлиларнинг[12] “Таълимда бошқарув тизими” асари таълим бошқаруви назарияси ва амалиётида тизимли бошқарув ёндашуви услларини яратишда асосий туртки бўлиб хизмат қилди. Таълим бошқарувида мазкур ёндашувдан фойдаланиш ғояси 80-90-йилларда ҳамда ҳозирги кунда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ю.А. Конаржевский[13], Т.И. Шамова[14] ва бошқа тадқиқотчилар “замонавий таълим тизимларини бошқаришда айнан тизимли ёндашув ғояси тўла мос” келишини илгари сурадилар. Кўпчилик тадқиқотчи ва олимлар томонидан таълим бошқарувида тизимли ёндашув афзалликлари ва таълимни бошқаришда ҳозирги замон қарашлари ҳамда парадигмаларига тўла мос келиши тан олиниб, умумэтироф этилсада,

мураккаблиги боис таълим бошқаруви амалиётида кенг қўлланилмаётганлигини кузатиш мумкин.

Бошқарув назариясидаги тенденциялар ва ўзгаришларни таълим тизимларини бошқаришда қараб чиқадиган бўлсак, унда умумий таклифлардан фарқли ўлароқ, аниқ моделлар яратилганлигини ва таълимни бошқариш парадигмалари (қарашлар) ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Бунга мисол сифатида А.Де Калюве, Э.Маркс ва М.Петрининг 1993 йилда эълон қилинган “Мақтаб ривожланиши: модел ва ўзгаришлар” асарини келтириш мумкин.

XX асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йилларига келиб таълим олдидаги мақсадларнинг ўзгарганлиги, асосий ўзгаришлар таълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштиришга қаратилганлиги, постиндустриал жамиятдан ахборот жамиятига қадам қўйилаётганлиги, асосий ресурс инсон омили эканлиги, таълимни бошқаришда ҳам жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Таълим парадигмалари ўзгариши натижасида уни бошқаришнинг назариясида ҳам инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Буларга мисол сифатида қуйидаги ва бошқа тадқиқотларни келтиришимиз мумкин: Балл С.Ж., Болам Р., Қоҳен М.Д., Қутхберт Р., Эндруд Ҳ., Ҳанди Қ., Лейтхвуд К., Буш Т., Ф. Силвер[15].

2000-йиллар бошларига келиб таълим бошқаруви назарияси ва амалиётида жиддий ўзгариш сезила бошланди. Бу даврга қадар асосан менежмент восита ва усулларида фойдаланган ҳолда бошқарувчиликка алоҳида эътибор қаратилган бўлса, 2000 йиллар бошларидан эса таълим бошқаруви назариясида “етакчилик” (*leadership*) ғояси устунлик қилаётганини кўришимиз мумкин. Бу борада илмий тадқиқот олиб борган олимлар қатридан П.Т. Беглей, Т. Буш, М.Д. Қўҳен, Ж.Г. Марч, М. Қравфорд, Т.Деал, Г. Еквал, Ж.Арвонен, П.Гронн, Ҳ. Гунтер, Э. Ҳойле, М. Валласе, А.Т. Жудге, Р.Ф. Пиққоло[16] кабиларни келтиришимиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, таълимни бошқариш назарияси ҳорижий давлатларда, хусусан, Ғарбий Европа мамлакатларида, АҚШ ва Канада, Австралия ва Янги Зеландияда жадаллик билан ривожланиб бораётганини, ўзининг узоқ йиллик ривожланиш даврида ҳамда бир неча босқичли трансформацияга учрашиши натижасида бошқарувнинг умумий назарияси соҳасида алоҳида ўрин эгаллаган илмий йўналишга айланиб улгурганини кўришимиз мумкин.

Таълимни бошқариш назарияси ўзининг бир неча ўн йиллик ривожланиш даврида таълимни бошқаришда тўпланган энг самарали тажрибаларни, бошқарувнинг умумий назариясида мавжуд модел, тамойиллар, ёндашувлар, усул ва воситаларни таълим бошқарувига мослаштирилиши, шунингдек ижтимоий (психология, сиёсатшунослик, социология, фалсафа, иқтисодиёт) ҳамда аниқ ва техника (математика, кибернетика, ахборот технологиялари) фанларининг ютуқларидан фойдаланиши унинг бошқарув фани соҳасида салмоқли натижаларга эришганлигидан даракдир.

Тадқиқотимизнинг асосий мақсади ҳам мамлакатимизнинг таълим тизимини таълим бошқаруви назарияси ва амалиётининг замонавий ёндашувлари, усул ва воситалари ёрдамида такомиллаштириш орқали юқори сифатли таълимга эришишдир.

Яқуний хулосага келадиган бўлсак, ривожланган давлатларда таълим тизимини бошқариш менежментнинг бир йўналиши сифатида шаклланган бўлиб, бир қатор олимлар томонидан мазкур соҳада илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб босқичма босқич ривожлантириб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. F. W. Taylor, Harper & Brothers. The Principles of Scientific Management, New York, 1911.
2. A. Fayol, Henri. Administration industrielle et générale / Paris. — Dunod et Pinat. — 1917.
3. Koopman G., Miel A., and Misner P. (1943). Democracy in school administration. New York: Appleton-Century-Crofts.
4. F. A. van Vught, Policy Models and Policy Instruments in Higher Education. The Effects of governmental policy-making on the innovative behaviour of higher education institutions / F. A. van Vught // Political science series. — 1995.
5. Burton, C. C. The Higher Education System. Academic Organization in Cross-National Perspective. / C. C. Burton.— Berkeley, CA: University of California Press, 1983.
6. Mayo, Elton. 1933. The Human Problems of an Industrial Civilization. New York: Macmillan Company.
7. Yauch, W.A. 1949. Improving Human Relations in School Administration. New York, NY: Harper.
8. P.Glatte. “Developing management for education”, 1971.
9. B.Taylor. “Management of education and social environment”, 1969.
10. P.Magrave “School as an organization”, London, 1968.
11. R.Aytke “Understanding school as an organization”, 1968.
12. P.Montello ва K.Wimberly “Management system in education” 1975.
13. Конаржевский Ю. А. Внутришкольный менеджмент. – М., 1992.
14. Шамова Т.И., Третьяков П.И., Капустин Н.П. Название: Управление образовательными системами. Издательство: Владос. Год: 2002.
15. Ball, S. J.: “The micro-politics of the school”. London: Methuen (1987); Bolam, R. “Educational administration, leadership and management: towards a research agenda”. Educational Management (1999).
16. P.T.Begley (2007) “Editorial Introduction Cross-cultural Perspectives on Authentic School Leadership. Educational Management Administration & Leadership”, T.Bush (2011).